

БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНТЛИЛИКНИ ШАКЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

А. Ю Ахмедов

Фаргона давлат университети ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада бўлажак ўқитувчилар тайёрлашда коммуникатив компетентликни шакллантириш масалалари алоҳида ёритилган. Педагоглар тайёрлаш таълим жараёнининг асосий вазифаси бўлиб, бўлажак ўқитувчини касбий-педагогик тайёргарлигининг ажралмас қисми бўлган коммуникатив компетентлиликни шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган долзарб масалалар ёритилган.

Калит сўзлар: Коммуникатив компетентлик, коммуникация, компетентлилик, мулоқот, Коммуникатив компетенция, коммуникатив қобилияtlар.

ISSUES OF FORMATION OF COMMUNICATIVE COMPETENCE IN FUTURE TEACHERS

ABSTRACT

This article deals with the formation of communicative competence in the training of future teachers. The main task of the educational process of teacher training is to address current issues aimed at the formation and development of communicative competence, which is an integral part of the professional and pedagogical training of future teachers.

Keywords: Communicative competence, communication, competence, communication, Communicative competence.

КИРИШ

Шарқ Уйғониш даври алломаларидан бири Ибн Синонинг “Тадбир-ул манозил” асарида ҳам таълим берувчининг хислатлари ҳақида баён этилган. Ибн Сино ўқувчининг таълим-тарбия жараёнига мос бўлиши, яъни унинг шахсий ва таянч компетенсияларини юзага келтириш учун қўлланилаётган таълим модели ўқувчининг қайси компетенсиясини шакллантириши ёки

ривожлантиришини хисобга олган холда олдиндан мақсад қўйиб таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш лозим деб ҳисоблайди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ёш авлоднинг баркамол, комил инсон бўлиб етишишида педагог, тарбиячи ва ўқитувчиларнинг роли бениҳоя каттадир. Таниқли рус педагоги В.Сухомлинский, ”Яхши мураббий бўлган тақдирдагина яхши ўқитувчи бўлиш мумкин. Ўқитувчининг бутун педагогик маданияти, билими тарбиявий ишда кор қилмаса, бефойда юкка айланиб қолади.”[1]- деб фикр билдирган. Ўқитувчининг етук мутахассис сифатидаги коммуникатив компетентлилигини ривожлантириш ўсиб келаётган ёшларни меҳнат фаолиятларида ўз ўрнини топишларига, сифатли таълим олишларига, шахслараро ижтимоий-маданий мулоқотларини шакллантиришга ёрдам бериши керак, бироқ бунда энг муҳими – шахсни талабга тўла жавоб берадиган даражада ривожлантириш ва унинг ўз имкониятларини амалга ошириши учун зарурӣ шароитларни яратиш долзарб муаммодир. Бўлажак ўқитувчининг коммуникатив компетентлигини шакллантириш педагогларни тайёрлашдаги мураккаб муаммолар қаторида ўзига хос ўрин тутади. Айниқса таълимни модернизациялаш билан боғлиқ ислоҳотларнинг жорий босқичида касбий педагогик фаолиятга мослашиш муаммоси янада яққол намоён бўлмоқда. Бўлажак ўқитувчиларни амалий, психологик, методик, тадқиқотчилик турлари билан бир қаторда ўқитувчининг коммуникатив компетентлигини шакллантириш билан бойиб бормоқда.

Айнан шунинг учун педагоглар тайёрлаш таълим жараёнининг асосий вазифаси бўлажак ўқитувчини касбий-педагогик тайёргарлигининг ажralmas қисми бўлган коммуникатив компетентлиликини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган бўлиши керак.

Шунингдек, коммуникацияни мулоқотнинг таркибий қисмларидан бири сифатида белгилаш мумкин.

Е.Н.Зарецкаянинг фикрича, коммуникатив фаолият маълум тартибда амалга оширилувчи изчил ҳаракатлар тизими бўлиб, уларнинг ҳар бири хусусий вазифаларни ҳал қилишга қаратилган ва муомала мақсади томон қўйилган ўзига хос “қадам” сифатида кўриб чиқилиши мумкин”. [2] Таниқли тадқиқотчи А.Н.Леонтьевнинг концепциясига таянган ҳолда[3], унда

“коммуникатив фаолият”нинг, аниқ структуравий компонентлардан иборат эканини кўриш мумкин.

Коммуникатив компетентлиликнинг моҳияти ва тузилишини синчковлик билан ўрганиш бизга иккита, ўзаро боғлиқ ва ўзаро алоқада бўлган даражаларни ажратиш имконини берди: биринчи даража бевосита мулоқотнинг ўзида коммуникатив компетентлиликнинг намоён бўлишини белгилаб беради, яъни инсоннинг коммуникатив хулқ-авторида; иккинчиси, ўқитувчи касбий мотивациясининг ўзига хос хусусиятлари ва йўналтирилиши, унинг мулоқотга алоҳида эҳтиёжи орқали педагогик-коммуникатив қадриятларни киритиши керак.

Бўлажак ўқитувчининг коммуникатив компетентлилигининг шаклланиш жараёни таълим мазмуни орқали амалга оширилиши мумкин ва у қўйидагиларни қамраб олади:

- ўқув фанларининг алоҳида рўйхати;
- талабаларнинг ўқув фанларини ўзлаштириш жараёнида шаклланувчи касбий (профессионал) компетенциялари;
- талабанинг ижтимоий-маданий ҳаётидаги фаол ҳаётий ўрни.

Буларнинг барчаси ўзига хос мажмуани ифодалаб, уларнинг воситасида бўлажак ўқитувчи шахси юқори даражада шаклланади ва ривожланадики, бунда ўзининг кейинги ривожланиши ва камолотга етказиш усулларини эгаллашга имкони бўлади ва бу бўлажак ўқитувчини “инсон – жамият - олам” тизимида профессионал субъект сифатида янада самарали ишлашини таъминлайди.

Шахснинг коммуникатив қобилиятларини ривожлантиришни “касбий фаолиятни ривожлантиришга асос бўлувчи коммуникатив маҳорат орқали такомиллаштириш керак. Коммуникатив маҳоратни тартибсиз равишда ривожланиши кўпинча феъл-авторни авторитар услугига, тез-тез конфликтли вазиятларнинг пайдо бўлишига, педагог ва таълим олаётганлар муносабатларида кескинликлар келиб чиқишига, ўзлаштириш ва ўқиш истагининг пасайишига, руҳий шикастланишга ва ахлоқий-маънавий тарбияда ўрнини қоплаб бўлмайдиган йўқотишларга, аксар ҳолларда эса ўқувчиларнинг асоциал(ижтимоий лоқайдлик)хатти-ҳаракатларигаолиб келади”. [4]

Коммуникатив компетентлиликни шахсга оид мураккаб тавсифнома сифатида ҳам тушуниш мумкин, у коммуникатив компетенцияларни, руҳий-педагогик компетенцияларни, шахснинг бошқа инсонлар билан мулоқотида

кўринадиган руҳий ҳолатларини қамраб олади – буларнинг барчаси инсоннинг коммуникатив хулқ-атворида намоён бўлади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Айнан коммуникатив хулқ-атвор мулоқот учун зарур бўлган алоҳида руҳий-педагогик компетенцияларни қамраб олади. Лекин шунга қарамай, бу ерда етакчи ўрин умуман олганда педагогда йўналишни аниқлаш ва асослаш учун жавоб берувчиунинг мулоқот қилишга эҳтиёжини англатувчи коммуникатив қадриятларга тегишли бўлади. Шунингдек, коммуникатив компетентлиликка маълум вазиятларда коммуникатив ҳаракатларни сифатли ва фойдали ташкил қилиш учун зарур бўлган, илмий-педагогик адабиётларда шахснинг ички имкониятларининг алоҳида тизими сифатида ҳам қаралади.

Коммуникатив компетентлиликни мукаммал эгаллаш деганда “реал вужудга келган коммуникатив вазиятга мувофиқ мулоқот жараёнига киришишга тайёрликни” тушуниш керак.[5] Таъкидлаш жоизки, компетентлилик шаклланганлигининг асосий кўрсаткичи фикр-мулоҳазаларни равон, яхлит ва мантиқан изчил баён қилиш маҳорати бўлиб, бунда мулоқот тилининг ифодали ҳамда аниқ мулоқот бўйича шерикларнинг коммуникатив фаоллигининг ҳар қандай турини тушуниш ва мос равища жавоб қайтариш лаёқатидан фойдаланилади.

ХУЛОСА

Бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлик, иродавий сифатлар, интеллектуал салоҳият, ҳиссий сифатлар, амалий қўнималар, ўз-ўзини бошқара олиш лаёқатларининг ўзаро боғлиқлиги ва шахснинг ижтимоий-маданий фаоллик даражасини акс эттирувчи индивидуал сифатлар асосида шакллантирилишини тахлил қилдик.

Евropa давлатларида шаклланган анъанага мувофиқ педагогнинг коммуникатив компетентлиги, уни шакллантиришга қаратилган таълим тизими эса – билим, қўникма ва малакалар даражаси билан ўлчанади.

Демак, педагогик компетентлик ўқитувчи фаолиятида кўпқиррали обьект бўлиб, уни тадқиқ этиш ниҳоятда мураккаб. Бундай тайёргарлик бўлажак ўқитувчининг умумий ва маҳсус тайёргарлигининг маълум бир даражасига эришишни, зарур касбий билим, қўникма ва малакаларни ривожлантиришни талаб этади. Бу эса педагогик компетентликни шакллантиришга қизиқадиган,

уни амалга оширишга интилувчан, ижодий ишлайдиган шахсни тарбиялашни тақозо этади. Бунда касбни дилдан севиш ва унга оид қизиқишлиарнинг мавжудлигидагина технологик ёндашув асосида ишлайдиган педагог шахси шаклланиши мумкин.

REFERENCES

1. В.Сухомлинский. “Тарбия ҳақида”. Ташкент .1977 йил. 18- бет.
2. Зарецкая Е.Н. Риторика: теория и практика речевой коммуникации. - М.: Дело, 2001. 287 б
3. Ван Дейк Т.А. Язык, познание, коммуникация. - М.: Прогресс, 1989. 112-113 б.
4. В.Н. Лавриненко Социальная психология и этика делового общения / под ред.. - М.: ЮНИТИ, 1995. – 69 с
5. Садчикова Я.В, Беккер И.Л. Формирование межкультурной компетентности студентов нелингвистических факультетов вуза в процессе обучения иностранному языку // Педагогическое образование и наука, 2008, №4. 127 б